



20 20 yil " 30 " июнь № 106 2

Яйпан шаҳри

**Яйпан шаҳар А.Навоий кўчасида  
жойлашган бўш ер майдонида  
“Хунармандлар маркази” бино-  
иншоотлари қуриш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси, “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 25-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи ҳамда кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлисда берилган топшириқларига ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер майдони танлаш ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер майдони танлаш ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Яйпан шаҳар А.Навоий кўчасида жойлашган бўш ер майдонида “Хунармандлар маркази” бино-иншоотлари қуриш учун 500,0 кв.метр ер майдони ажратилсин.

3. Буюртмачи зиммасига:

- қурилишга архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ) тузиб чиқиш учун туман Давлат хизматлари марказига буюртма бериш;

- вилоят архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси рухсатсиз қурилиш ишларини бошламаслик;

- Қурилиш жараёнида туманни тегишли корхоналари томонидан белгиланган тартибда техник шартлари олиш ҳамда қурилишини белгиланган ҚМҚ ва (ШНҚ, СНИП) нормаларига асосан бажарилишини назорат қилиш;


- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 март кунги «Замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 59-сонли қарори талаблари асосида ободонлаштириш ишлари олиб бориш назарда тутилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва Давлат кадастр бўлими (А.Ражабов)га туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 1-қисмининг 6- ва 10-бандларида кўрсатиб ўтилган талаблар бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини йўқотиши ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.


Туман ҳокими



Қ.Джураев




Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар А.Навоий кўчаси ҳудудида  
 «Хунармандлар маркази» қурилиши учун танланган  
 ер майдони жойлашуви кўрсатилган  
 Туман харитасидан кўчирма  
 Нисбат 1:10000



Шартли белгилар:

- Танланган ер майдонлари
- Ижтимоий соҳа объектлари
- Уй-жойлар



“КЕЛИШИЛДІ”

Ўзбекистон тумани бош  
 архитектори :

*(Handwritten signature)*

О.Ваҳобов